



Фарзандлари баркамол юрт қудратли бўлур

ТАДБИР

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Хоразм вилоят прокуратурасида вилоят прокурори Д.Исроилов раислигида бўлиб ўтган навбатдаги идоралараро кенгашда Ер кодекси ижросининг аҳоли муҳокама қилинди. Умумий назорат бўлими прокурори С.Нурметов бу ҳақда ахборот берди.

Бу йил Хоразмда ерларнинг маълум бир қисми сув танқислиги сабабли фойдаланилмасдан қолмоқда. Вилоятда ерларнинг шўри 2-3 марта ювилиши лозим бўлган бир пайтда аксарият майдонлар бир марта, 2,5 фоиз майдоннинг шўри эса умуман ювилмаган.

Жорий йилда қўйлаётган сув танқислигини инобатга олиб, экин майдонларини сақлаб қолиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида вилоят хўжалиқлариға жами 350 та насос агрегатлари ўрнатилган. Айрим қорхоналар раҳбарлари томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сугориш тармоқларини техникавий жиҳатдан соғлаш учун ажратилган давлат маблағларини

мақсадсиз ишлатиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

Шунингдек, баъзи хўжалиқларнинг масъул раҳбарлари хўжалиқ ерларининг талон-тарож қилиниш ҳолатларига ҳам йўл қўйганлар.

Айрим ширкат хўжалиқлари раҳбарлари томонидан статистика идораларига тақдим этилган ҳисоботларда экин майдонлари тўлиқ акс эттирилмаган. Масалан, Янгибозор туманидаги "Хоразм" ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбарлари томонидан 113 гектар майдонга кузги бугдой ортиқча экилиб, бу майдонларга 4,5 миллион сўмлик харажат қилинган.

Бундай ҳолатларга Гурлан, Қўшқўпир, Янгибозор ва бошқа туманлар хўжалиқларида ҳам йўл қўйилиб, вилоят бўйича жами 1178,3 гектар кузги бугдой экилган майдонлар ҳисобдан яширилган. Айрим хўжалиқларда эса фуқаролар томонидан ерларнинг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинishiга йўл қўйилган.

Масалан, Хонка туманидаги Али-

шер Навоий номли ширкат хўжалигининг 5 - бўлимида фуқаролар хўжаликка тегишли бўлган 1,5 гектар экин майдонида ўзбошимчилик билан деҳқончилик қилаётгани аниқланди. Бундай ҳолатлар шу тумандаги Ш.Рашидов номли, Хива туманидаги Беруний номли, Қўшқўпир туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалиқларида ҳам аниқланиб, маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди ва ерлар хўжалиқ ҳисобига қайтарилди.

Шунингдек, маърузачи вилоят давлат солиқ бошқармаси, ер ресурслари бошқармаси томонидан Ер кодекси ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар аксарият ҳолларда сифатсиз ва номигагина ўтказилганлигини таъкидлади.

Кенгашда тегишли ташкилот раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қатъий чора қўриш топширилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Б.УЛЛИБОБОВ,  
"Ҳуқуқ" муҳбири.

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, "Маънавият ва маърифат" кенгаши ва Бадий академия ҳамкорлиқда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан "Шу азиз Ватан — барчамизники" фестивалини ўтказди. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар иштирок этди.

Бухорода "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ҳайъатининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент фармонлари ва ҳукуматнинг тегишли қарорлари асосида коммунал хўжалик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижроси масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов раислигида Ҳисоб-китоблар механизми такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳоли, Республика вазирилик ва идораларида иш ҳақи ўз вақтида тўланиши масалалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ҳамда Бухоро вилоятларидаги тегишли ҳудудий комиссиялар фаолияти кўриб чиқилди.

НАТОнинг "Фан — тинчлик йўлида" дастури доирасида "Тошкентда ва Бишкекда сейсмик хавфни баҳолаш ҳамда уни камайтириш" лойиҳасини амалга оширишда иштирок этаётган бир гуруҳ олимлар Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Фарғонада "Экология, оналик ва болалик" Дастури бўйича "Экофестивал" бошланди.

Тошкентда "Интерконтинентал" меҳмонхонасининг "Амир Темур" залида "Ўзбекистон нефти ва гази" (OGU) мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Миллий нефтгаз компанияси ва унинг шўьба қорхоналарининг хусусийлаштирилиши эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 май куни Оксаройда АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда Бутунжойта қасаба уюшмалари федерацияси котиби Донг Ли бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди.

Тошкент шаҳрида "Пахтабанк" ташаббуси билан Осиё-Тинч океани қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш Ассоциацияси (АПРАКА)нинг микрохизмат дастури бўйича қишлоқ хўжалиги ва микромолияга бағишланган семинар иш бошлады.

МОҲИЯТ

### ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЭНГ ОЛИЙ ҚОНУН БЎЛИШИ ЗАРУР.

ЦИЦЕРОН

### УШБУ СОНДА

#### «ҚОТИЛ ОТА... ЎҒАЙ ОНА»

Отаси ётган уйнинг эшигини очибқоқ Феруза галати манзарага гувоҳ бўлди. Абдусаттор ўғлини ерга босганича устида ўтирар, атрофда синган стул бўлаклари сочилган, отанинг қўлида учига михлар қадалган ёғоч бўлага бор эди.

#### ТАҚДИР ТОШИ

Ўлмас онаси кўрсатган томонга қаради. Бола эмасми, ишонди. У онаси алдаётганини, уни ташлаб "борса-келмас"га мангу кетаётганлигини билмасди.

4-БЕТ

6-БЕТ

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischiilar**

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**  
**A.ABDURAZZOQOV**

**Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov, Komiljon Ismoilov, Dilshod Islomov (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat Yodgorov (mas'ul kotib), Lola Shomurodova, Muxtor Shodmonov, Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34  
**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

**Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.**  
Korxonada manzili: **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.**

Buyurtma Γ - 2149  
Nusxasi — 20609  
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
**H. NISHONOV**  
**Navbatchi: N.MAHMUDOV**  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

**ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ**

«**ҚАЛБ ВА ҚАЛАМ БИЛАН 5 йил**»



«Qonun himoyasida» jurnalining 4-soni ham uquvchilar kuli-ga etib bordi. Jurnal bu yil aprel oyida uzining 5 yilligini niшонлади. Шу munosabat bilan birinchi sahifada jurnal bosh muharriri A. Abdurazzoqovning «Qalb va qalam bilan besh yil» deb nomlangan maqolasi e'lon qilingan.

«Jurnalimizning niшона soni 1996 yil 9 aprelda - Amir Temur bobomiz tavallud topgan kuni dunё yozini kurgan edi. Bуюk jahongirning Toshkent markazida Uzbekistonimiz mustaqilligi tuфайli qad rostlagan salobatli хайkali tasvirini muqovada berish bilan biz uning butun хайti mazmuni-ga aydangan «Kuch - adolatda» shiorini ruёbга chiqarish oйнаma uchun maqsad kilib olinishini ifodalaganmiz.

«Adolat davlatni davlat qiladigan, mamlakat daraxtini gul-latib-yashnatadigan kudratli kuch-dir. Adolatning ovozi, kurku ka-moli kunda namoён buladi» - deydi muallif maqolasida.

Jurnalning uchinchi sahifa-sida «Bizni kutlaydilar» rukni bilan Uzbekiston Respublikasi Bosh prokurori P.Kodirovning «Qonun himoyasida» jurnali meхnat jamoasiga» tabrik maqolasi e'lon qilingan. Худди шу ruknda Uzbekiston Respublikasi Adliya vazirining urinbosari B.Mus-

tafoevning «Ezguniyatlar хамрох bulsin», Andijon viloyat sudini-ning raisi E. Jalolovning «Халкqa хизmat - oliy saodat», Uzbekiston Respublikasi Oliy хужа-lik sudi raisi M. Abdusalomovning «Odamlar qonunga suyaniша-di», tanikli хуquqshunos, pro-fessor A. Saيدovning «Istiklol farzandi», «Adolat iуli» gazeta-si muharriri A. Iбodinovning «Хуquкий nashr-lar sardori» kabi maqolalari хам chop etilgan. Ular хам «Qonun himoyasida» jurnali jamoasining meхnatlarini eъti-rof etish bilan birga jamoani jurnalning besh yilligi bilan kutlaydilar va uzlarining sa-miyni tilaklarini izhor eta-dilar.

«Matbuot va хуquq». Bu rukn-da jurnalist N.Mahmudovning «Ta-raqiyet beшиgi» maqolasi bo-silgan. Maqolada jurnalist Uzbekistondaги хуquкий nashr-lar va ularning zimmalardaги masъuliyat хақида batafsil tuхtaliб yъadi. Ushbu maqola dol-zarbligi va uқiшлиligi bilan uquvchilarni uъiga jalb qiladi.

Bobokalonimiz Amir Temur tavalludi munosabati bilan jurn-al muqovasidan Temur bobo-mizning хайkali surati жой ol-gan. Шу санага бағишлаб TDЮИ katta uқituvchisi S. Хидировning «Amir Temur salтанati: marka-ziy бошkaruv organlari va ta-moiyllari» maqolasi хам e'lon qilinganligi uъiga хос uйgunlik kasb etadi. Uz maqolasida muallif Amir Temur salтанatining бошkaruv organlari хақида tuхtалади. Ushbu maqola davlat-chiligimiz tarixi va ijtimoiyat-ga қiziquvchi jurnallarda katta қiziquш uйgotishi shubхasiz.

«Хотира uйgonса gъzal» rukni-daги professor Naим Karimov-niing «Inson aziz» maqolasida inson хуquqlari va mustam-lakchilik oқibatlari хақида sъz bo-radi.

Jurnalning ushbu sonidan бошлаб «Esh tergovchilarga ёrдам» ruknida psixologlarning maqolalari хам berib borila-

digan bulibdik, bu taxsinga loyiq. Mазkur rukn ostida be-riilgan «Psixоэкспертиза» maqo-lasi хар kandaй tergovchini қiziqтириши tabiiy. UzMU katta uқituvchisi L. Tурсunov ushu ma-qolasida шахsning хавотирланиш dаражасини uрганишning test us-lubini tavсия etadi.

Jurnalning doimiy rukniga айlаниб қолган «Bizning muso-xaba» rukni meхmoni bu gal Хо-разм viloyati prokurori D. Ис-роиловdir. Muхбирimizning D. Исроилов bilan ushu suхbati «Qonun ustuvorligi - asosiy me-zон» deb nomlangan. Unda siz Хоразм viloyatida олиб borilay-tan хуquq-tartibот idoralari-niing ishlari bilan taniшасиз.

«Кураш mening хайtim» maqo-lasida muхбирimiz F. Alimov-niing Respublika yakka кураш sporti assotsiatsiyasi preziden-ti, ФИЛА aъzosi A. Ruziev bilan suхbatini uқийсиз.

Jurnalning doimiy muallif-laridan bulgan professor A.Ab-dumajidov «Taklif» ruknida be-riilgan «Jazo va javobgarlik» sarlavхali maqolasida Jinoyat kodeksini takomillashтириш tuғrisida mulохаза yuritadi. Ushbu maqola хам хеч bir хуquqsh-unosni beфарқ қoldirmaydi.

Bundan tashqari «Nigox», «Mu-tolaа», «Jurnalxon muammo kъyаdi», «Esh tadqiqotch mi-nbаri» kabi ruknlarda bir qancha maqolalar bor, ular sizning diqqatlingizni tortmasdan қol-maydi.

Jurnalxonlar tomonidan zuр қiziquш bilan қабул қилинаёт-ган «Uzbek detektiv» rukni os-tida bu gal Muхаммад Ismoil va Otabek Mirzolar хамmuallif-ligida eъzilgan «Tажовуз» nomli kissа берилган. Uйламанки, bu kissа хам uquvchilarga manzur булади.

Bir sъz bilan айтганда, «Ko-nun himoyasida»ning bu galgi soni хам uzining uқiшлиligi va rang-barangligi bilan sizlarni хуш-nud qiladi.

Фазилат ЁДГОРОВА

**ШУ СОНГА ХАБАР**

**КУН ТАРТИБИДА — ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ**

Қорақалпоғистон Respublikasi Амударё тумани прокуратураси ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Меҳнат ярмаркасида тумanning 50 га яқин корхона ва ташкилотлари бўш иш ўринларини тавсия қилган ҳолда иштирок этдилар. Шу куннинг ўзига 325 киши иш билан таъминланди. Бу рақам айни пайтда 600 тага етди.

— Меҳнат ярмаркасини ташкил этишдан мақсад, аҳоли ўртасидаги ишсизлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишдир, — дейди туман прокурори Х.Бахронов. — Хусусан, туманда 1999 йилда 15 та, 2000 йилда 19 та жиноят айнан ишламай юрган шахслар томонидан содир этилган. Мазкур тадбирда воғна етмаган ишсизларни ҳам иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунлари мавжуд. Бу қонун-иятлар бизни янгича фикрлаш, янгича яшашга ўргатмоқда. Кам-харж ва кам ишчи кучи сарфлаш эвазига катта фойда олиш истаги ишсизлик муаммоларини келтириб чиқармоқда. Ишсизлик жиноятчи-ликнинг кўпайишига ҳам замин хозирлашни амалиёт кўрсатмоқ-да. Жиноятларнинг аксарият қис-ми ишсизлар томонидан содир эти-лаётгани кўпчиликка маълум.

Яқинда Янгибозор туман меҳ-нат бўлими, туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси ташаббуси билан «Бўш иш ўринлари ярмарка-си» ўтказилди. Ярмаркада 44 та корхона қатнашиб, 165 та иш ўри-нларига ишчи ва хизматчи тақлиф қилинди. Бу ўринларнинг 14 таси олий маълумотли, 15 таси ўрта мах-суз маълумотлилар, 136 таси ўрта маълумотлилар учун эди.

Ярмарканинг куй ва қўшиқ би-лан бошланиши тадбирга байра-мона тус берди. Қувонарлиси шун-даки, умид билан келган ишсиз-лардан 59 нафари ўзларига маъжул иш ўринларига жойлашиш учун йўлланма олишди. Йигилганлар бундай тадбирларни мунтазам ўт-казиб бориш зарурлигини таъкидла-дилар.

М.ИСМОИЛОВА  
журналист

**МУТОЛАА**

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР, ХУҚУҚИНГИЗНИ**

фаатларини химоя этишни сўраб судга мурожаат этиш;

- истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш;

- истеъмолчиларнинг ижтимоий химюга муҳтожлари учун савдо, маший хизмат ва бошқа хил хиз-мат кўрсатиш турлари буйича им-тиёзлар белгиланишини сўраш хуқуқи.

Истеъмолчилар санаб ўтил-ган хуқуқларни билишдан ташқари уни химоя қила олишлари ҳам зар-рур булади. Бунинг учун эса истеъ-молчи ўзаро муносабатга кириша-ётганда унинг хуқуқий жиҳатлари-ни лозим даражада билиши лозим.

Хар бир истеъмолчи бирор бир махсулотни сотиб олишда уни ишлаб чиқарган корхона ёки фир-манинг номини текшириб кўриши лозим. Агар махсулотда бундай белги мавжуд бўлмаса, уни сотган

ташкilot ёки фирманинг номини, манзили ҳамда иш тартибини би-либ олиши керак. Ҳозирги кунда энг кўп учрайдиган ҳолатлардан бири — сотиб олинган молнинг фойдаланишга қисман ёки тўлиқ уқибсиз эканлигидир. Сотиб олин-ган махсулотни сотиб олинган дўхона қайтариш ёки алмашти-риш мақсадида борсангиз, сотув-чи пештахтадаги «сотилган моллар қайтариб олинмайди» деган ёзув-ни кўрсатади.

Бу аслида тўғрими ва сотув-чи бундай дейишга ҳақлими? Бун-дай ҳолатнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Бирор бир дўхондан мол хар-ид қилишда чекни талаб қилиш лозим. Чек дўхон билан истеъмо-лчи ўртасида тузилган шартномани қафолатлайди. Агар махсулот бо-зордан харид қилинган бўлса, олин-

ган махсулотнинг истеъмолга яроқ-лилиги ва камчиликсиз эканлигини тасдиқлаш ҳамда камчилиги чиқиб қолган тақдирда айнан шу ердан (шу кишидан) олинганнинг исо-л-лаш учун харид вақтида бунки икки энлик қозғога тушириш ёки уни тасдиқлайдиган гувоҳларнинг бўли-ши мақсадга мувофиқдир.

Агар камчилиги бор мол со-тиб олинган, бу камчилик мавжуд-лиги сотувчи ва истеъмолчи ўрта-сидаги бирор бир келишув билан тартибга солиниши олдиндан ке-лишилмаган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра қуйдагилардан би-рини талаб қилиш хуқуқига эга:

- махсулотни айнан шундай мар-кали ёки шунга ўхшаш бошқа мах-сулотга алмаштириб беришни ёхуд унинг харид нархини тегишлича ҳисоб-китоб қилиш;
- истеъмолчининг махсулот нуқ-

КЎЛЛАНМА

# МУҲИМ КЎЛЛАНМА СИФАТИДА

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг вужудга келган табиат объектларига нисбатан янги ҳуқуқий мақом, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, бу жараёнга иқтисодий муносабатларнинг татбиқ қилинаётганлиги ҳамда мамлакатимиздаги экологик шарт-шароит бу соҳада ҳуқуқий илмий ишларни жонлантириш, замонавий илмий натижаларга эришишни кучайтириш лозимлигини кўрсатди. Айтиш жоизки, бу борада катта ишлар амалга оширилди. Ўзига хос ҳуқуқий мезон яратилди.

Хусусан, "Ўрмон тўғрисида" - ги ва "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ги қонунларнинг қабул қилиниши билан ўрмоннинг ҳуқуқий ҳолатида катта ўзгаришлар содир бўлди, ўрмондан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида янги ҳуқуқий тушунчалар, меъёрлар ва ҳуқуқий муносабатлар вужудга келди. Лекин мазкур қонунлар ва улардаги айрим меъёрларни тушуниб етиш ҳамда уларга танқидий баҳо бериш лозим. Демак, ўрмондан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини илмий тадқиқ қилиш жуда долзарб масала бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Бу борада илмий изланиш олиб бораётган ҳуқуқшунос олим Фахриддин Назомовнинг яқинда "Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи" деб номланган монографияси нашрдан чиқди. Ушбу муаммолар бўйича олим изланиш олиб борар экан, ўрмондан фойдаланиш борасида юзага келадиган барча муносабатларни ўз тадқиқотининг мақсад ва вазифаси қилиб олади. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солувчи қонунларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларни янада тако-

миллаштириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берган муаллиф ўз олдига қўйган мақсадига маълум даражада эришган, десак муболаға бўлмас. Чунончи, монографияда илмий материалларни ўрганиш, ҳаракатдаги қонунчилик ва унинг амалиётда қўлланишини қиёслаш асосида мамлакатимизда биринчи марта ўрмон тушунчаси таҳлил этилиб, унга қўйидагича таъриф берилди: "юридик маънода ўрмон деб, аксарият ҳолда экологик функцияни бажарадиган ва чекланган даражада ҳужалик муомаласига тортиладиган, махсус ажратилган ўрмон фонди ерларида ўсадиган дарахт, бутазорлар ва бошқа ўсимликлар мажмуаси тушунилади".

Монографияда муаллиф ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасини очиб беришга алоҳида эътибор берган. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг келиб чиқишида, маълумки, ўрмонларни фойдаланиш учун бериш тартиби алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Муаллиф бу масалага тўхталар экан, ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи келиб чиқишининг мавжуд тартиби эскирганлигини таъкидлайди, ҳамда ўрмондан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда шартномали муносабатларни жорий этишни тақлиф этади. Бунда у кўпроқ ижара шартномасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ушбу монография амалий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга, чунки унинг материалларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида экология ҳуқуқи, ўрмон ҳуқуқи курсларидан маълум ўқишда фойдаланиш мумкин.

**Ж. ХОЛМУМИНОВ,**  
ИИБ Академиясининг кафедра мудири, юридик фанлари доктори

## БИЛАСИЗМИ?

сонларини бартараф этиш учун қилган ҳаражатларини қоплашни, харид нархини нўсонга мувофиқ камайтиришни, шунингдек қўрилган зарарни қоплаш шартини шартномани бекор қилишни талаб қилиш.

Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишда истемолчи белгиланган муддатга ҳам амал қилиши лозим. Бу қўйидагилардир:

- махсулотнинг қафолат муддати ёки яроқлилик муддати белгиланган бўлса, шу муддатда. Агар бу муддат белгиланмаган бўлса, олти ой ичида;
  - шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, кўчмас мулк истемолчига ўтказилган кундан бошлаб икки йил;
  - мавсумий махсулотлар учун Вазирлик Мақомадаси томонидан белгиланган муддат.
- Бундан ташқари, Фўқаролик

кодексининг 1017-моддасига кўра, товарнинг нуқсонлари мавжудлиги натижасида фўқаронинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига

етказилган зарар махсулотни тайёрловчи ёхуд сотувчи билан истемолчи ўртасида шартнома бўлганлигидан қатъий назар қопланиши лозим.

Бундай муносабатларда келишувга эришилмаганда, нисзонинг суд орқали ҳал этилишига эришиш лозим. Бунда қафолат муддати белгиланган товарлар бўйича товар чеки, унинг техник паспорти ёки унинг ўринини босувчи бошқа ҳужжатлар нисзони қўриб чиқишда асосий далил бўлиши мумкин.

Фўқароларимиз ўз ҳуқуқларини яқши билиб, уларни ҳимоя қила олиш кўникмасини ўзларида шакллантирганларидагина биз орзу қилган ҳуқуқий-демократик жамиятга бироз яқин бўламиз.

**Муродило Абдуҳакимов,**  
ТДЮИ 2-ҳуқуқ факультети талабаси.

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Зардуштийлик динининг ноёб китоби — "Авесто" ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эрамизгача бўлган иккинчи минг йиллик ўртасида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафқураси, илк давлатчиликнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи ҳақида маълумот берувчи асосий манба ҳисобланади. Жумладан, "Авесто"да Олий Тангри — Ахура-Мазда яратган ўн олти давлатга оид хусусиятлар баён этилган.

"Авесто"да келтирилишича, қадимги 16 мамлакатнинг худудий-маъмурий ва сиёсий-ҳуқуқий бошқарув тизими қўйидагича бўлган:

— давлатни шох — "кави" идора қилган. "Кави" ҳукмдорлик ҳуқуқининг белгиланишида "фарр" принципи, яъни муайян бир жонивор, қуш ёки ёғду шуъласи ҳукмдорликка танлаган кишини ажратиб кўрсатиши қонуний асос сифатида қабул қилинган. Зеро, халқдаги "фалончининг бошига бахт қуши қўнибди", ибораси ушбу қадим аёнанага ишора бўлса, ажаб эмас.

Давлат бошқаруви сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар асосида оилаларнинг бирлашмаси — "нмана", уй, оила жамоаси — "дмана" катта оила жамоаси оқсоқоли — "вис", катта қишлоқ оқсоқоли — "виспати", қабила бошлиғи — "зантупати", вилоят ҳокими — "дахиопати", бир неча вилоятнинг ҳукмдори

хусусий мулк маъносини аниқлаган. Эркин жамоа аъзоларининг асосий бойлиги чорва ҳисобланган.

Сипийтмон Зардуштининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида давлатнинг шаклланиши уч даврга бўлинади:

Биринчи давр энг қадимги давр бўлиб, бунда адолат ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган.

Иккинчи даврда эзгулик (Ахура-Мазда) билан ёвузлик кучлари Ахриман (Анхура-Ману) ўртасидаги кураш давом этган.

Учинчи даврда ақл-идрок ва

рак. Бу инсоннинг асосий вазифаси эзгуликка хизмат қилиш кераклигини аниқлади. Ахура-Маздага Анхура-Ману — ёвузликлар ҳомий-шиқарши қўйилди. "Авесто"да акс этган Зардуштининг: "Эзгу фикр, эзгу ишлар билан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни, ўз ҳаётимни бутунлигича эзгулик фикрлар, эзгу сўзлар айтишга ва эзгулик ишлар амалига бахшида қиламан. Барча ёмон фикрлар, ёмон сўзлар, ёмон ишлардан юз ўгираман", — деган сўзлари ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга.

"Авесто"да кишиларнинг ўзаро муомала, муносабатларида аҳди-

да туриш, сўзининг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамга содиқ бўлиш, савдо-сотиқ ишларида мажбурият, шартномага қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига қайтариш дибнатликлари аниқлашга катта аҳамият берилган.

Шунингдек, "Авесто"да баъзи бир жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда уларнинг объектив томонини аниқлашга катта аҳамият берилган.



ри ва қабилаларнинг ҳарбий бошлиғи — "дахио састар"лардан ташкил толган қонун қараркучи Олий орган — Оқсоқоллар Кенгаши (ёки Қабилалар Иттифоқи) — "варзанапати" ёки "ханжамана" ва Халқ Мажлиси "вяяха" орқали амалга оширилган. Оқсоқоллар Кенгашининг мўтабар уламоси — қоҳин эса Олий судья вазифасини бажарган, у "заратустраэма" деб аталган. Унинг ҳукми мутлоқ ҳисобланиб, унга ҳеч кимнинг эътироз билдиришга ҳаққи бўлмаган.

Оқсоқоллар Кенгаши — "варзанапати" диний мафқура ва жамиятнинг адолатли қонунлар асосида бошқаришга масъул бўлиб, жамоа фаолиятидаги ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда ҳужалик масалаларини ҳал этган. Катта оила жамоаси оқсоқоли — "нманapati" эса оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ ҳисобланган. Уруғ жамоаси бошлиғи — "вис" муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий вазифаларини бажарган.

"Авесто"да тасвирланган жамият ахли тўрт тоифага — қоҳинлар, жангчи аскарлар, Қорвадорлар ва хунармандларга бўлинган. Шу билан бирга қуллар — "вайса", ҳуқуқлари чекланган қўпон — "найшаугар"лар ҳам бўлган. Асосий бойликлар жамоа бошлиқлари — оқсоқоллар, ҳарбий бошлиқлар ҳамда мўтабар шахслар қўлида тулганган. "Авесто"да тилга олинган "гайта" атамаси бойлик ва

адолат тантана қилиб, деҳқонлар ҳамда чорвадорлар бадавлат, давлат тизими мустахкам бўлиши учун "Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар..." ("Ясна", 48-фаргарт) дейилади.

Зардуштийлик таълимотида адолат, яъни ҳақиқат учта маънавий-ҳуқуқий таянчга асосланган: "Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура-Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман" ("Ясна", 14-фаргарт). "Авесто"да Адолат ва сулҳу ният тангриси Хварна шундай таърифланади: "Эй осмон каби беҳато Хварна. Жаҳонда тенгсизлик, сен давлату амният (тинчлик) ҳосияси, сен туфайли адолат тирилди, нозу-неъмат кўпайди, оламу паррандалар сони ошди..." ("Ясна", 19-фаргарт).

Шундай қилиб, Зардушт ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг мазмун-моҳиятини ташкил этган дунёда икки қарама-қарши куч — эзгулик ва ёвузликка амал қилиш ҳақидаги таълимотини асослаб берди. Мазкур таълимотта мувофиқ бу курашда инсон — инсон ва заминнинг Олий илоҳий ҳукмдори бўлиши Ахура-Мазда (Ахура — Олий ҳукмдор, Мазда — одил даҳо)нинг ёрдамчиси бўлиши ке-

Жумладан, қасддан бировга тан жароҳати етказилганда айбдорларга гуноҳкорлик даражасига қараб 30 қамчи савалашдан тортиб, ўлим жазосига ҳам белгиланган.

Талончилик, зинокорлик, баччаовозлик, ҳомиласини олдириш, муқаддас олов ва сувга гуноҳлик қилиш жиноятларини содир этганлар зурдуштийлик қонун-қоидаларига мувофиқ, ҳеч қандай далил-исботсиз ўлим жазосига буюрилган. Гуноҳкорни ўлдирган кимсанинг гарданида энг катта гуноҳи бўлса-да, у авф этилган.

Маълумки, пораҳўрликнинг турлари бўлиши таъмағирлик, қанлоблик, риёкорлик ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳисобланган.

"Авесто"да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қонун билан қатъий ман этилган бўлиб, бу қонунни бузганлар ўлим жазосига маҳкум этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза сақлаш, авлоднинг соғломлиги учун шундай қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, "Авесто"даги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаганлигига амин бўлиш мумкин.

**Ҳалимбой БОБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.  
**Солижон ҲАСАНОВ,**  
ТДЮИ профессори, педагогика фанлари доктори

**КЎЗГҮ**

**МАХСУС САҲИФА**

*Биз ушбу саҳифани рамазий маънода «Кўзгугу» деб атадик, муҳтарам газетхон! Сиз унга қараб инсоний қиёфасини йўқотган бандаларнинг башарасини кўрасиз ва улардан нафратланасиз. Қаттиқроқ ва яна ҳам қаттиқроқ нафратланинг. Зора, орамизда бундайлар камайса. Нафратингиз ўти уларни бутунлай йўқотиб юборса!*

**БИРИНЧИ ҲИКОЯ**

ҲЕЧ ким айнан бир жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Уч мартаба жиноятга қўл уриб, суднинг ҳукми билан умумий ҳисобда сал кам ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилган Абдусаттор Тожибоев ҳам қонуннинг ушбу принципини яхши "ўзлаштириб" олган экан. Уч бор қамалиб чиққанига қарамай, тегишли хулоса чиқариб олмаган бу рецидивист яна бир оғир жиноятга қўл урди: пушти камаридан бўлган ўғлини ўлдирди, фарзандқушлик тамғасини ўз қўли билан пешонасига босди.

Жиноят ўтган йилнинг 7 декабрь куни содир этилди. А.Тожибоев оиласи билан Фаллаорол шаҳарчасида яшарди. У ҳеч қаерда ишламас, танбалликка, боқимандаликка берилиб кетганди. Уша кунни ҳам соат кеч саккизлар атрофида "дам оламан" баҳонасида ўрнига чўзилган, кўзига уйку инганди.

Абдусаттор кимнингдир дарвозани тақиллатганини эшитиб, кўзини очди. Хотини Мукаррам хонага мўралаб: "Бироз эшик қоқаппти, қарамайсизми?" — деди. Бунга жавобан Абдусаттор: "Ким бўларди, Алишер келгандир-да! Бориб ўзинг дарвозани оч, яна маст бўлиб келган бўлса, кўзимга кўринмай кўя қолсин", — дея ўшқирди.

Алишер оиладаги тўнғич ўғил. Эсини танибдики, отасининг қилмишлари тўфайли кўча-қўйда бош кўтариб юролмайди. Икки ой муқаддам онаси Алишерни бир қизга унаштириб қўйганди. Лекин Абдусаттор: "Алишернинг тўйига ҳеч нарса қўшолмайман. Менда на пул бор, на бошқа мол-мулк. Хохласа ўзи уйланиб олаверсин", — деганди. Бунга аччиқ қилган Алишер отасига қўпол муомала қила бошлади. Унинг ичиб келмаган кунни бўлмасди ҳисоби. Насихат берувчилар, йўл-йўриқ кўрсатувчилар Тожибоевлар хонадонини ҳам, Алишерни ҳам четлаб ўтишга ҳаракат қилардилар.

— У ҳам отасига тортиди, — дейишарди маҳалладошлари. Бир неча бор уйга маст бўлиб келиб, тўполон кўтарган Алишерни аркон билан стулга боғлаб қўйиш

# «КЎТИЛ ОТА...»

гаплашиб қўйишим керак... Шундай деди-ю, Алишер онасининг хай-хайлашига қарамасдан отаси ётган хона томон юрди.

Муштилпар она дағ-дағ қалтираганича ҳовли ўртасида нима қиларини билмай туриб қолаверди. Яхшиям кенжа қизи Феруза чиқиб қолди.

— Ҳа, ая, тинчликми? — сўради у.

— Алишер аканг отангнинг ёнига кириб кетди. Бор, хабар ол, тагин... Отаси ётган уйнинг эшигини очибкоқ Феруза ғалати манзарага гувоҳ бўлди. Абдусаттор ўғлини ерга босганича устидега ўтирар, атрофда синган стул бўлаклари сочилган, отанинг қўлида учига михлар қадалган ёғоч бўлаги бор эди. Отаси нукул "Менга қўл кўтардингми, аблах?! Уша қўлларингни синдириб ташлайман!" деб таҳдид қиларди. Алишер эса ўзини билмай хириллаб ётарди.

Қизига қўзи тушган Абдусаттор: — Нега қараб турибсан?! Бор, молхонадаги арқонни олиб кел! Бу бола яна маст бўлиб келибди! Боғлаб ташлайман, — деб ўшқирди. Ниҳоятда кўрқиб кетган Феруза жон ҳолатда молхона томон югуриб кетди. Аркон билан қайтиб келса, отаси Алишернинг қўлини деворга тираб, стул синиги билан уриб синдириш ниятида! Феруза қичқариб юборди: — Отажон! Бундай қилманг, отажон! Керак эмас!

Бу орада Мукаррам ҳам хонага

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

кириб, эрини силтай-силтай ҳовлига чиқариб юборди. Беҳуш ётган Алишернинг баданида соғ жойи қолмаганди. Боши бир неча жойдан ёрилган, юз-кўзлари кўкариб кетганди.

— "Тез ёрдам" қақир, қизим, акангдан айрилиб қоламиз, — деб йилгади оназор.

Зудлик билан етиб келган "Тез ёрдам" Алишерни шифохонага олиб кетди. Ҳали ҳаёт нашидасини татиб кўришга улгурмаган йигит икки кундан сўнг вафот этди...

Ушбу ҳолат осидан жиноий иш кўзгаган Фаллаорол туман прокуратураси хавфли рецидивист Абдусаттор Тожибоевга тегишли "иш"ни судга оширди.

Галдаги жазо мuddати А.Тожибоевга қандай таъсир қилади— буни сизга қоронгу. 20 йилдан сўнг қайтиб келса, балки ўзи айтиб бераар...

**Гулнора ҲАМРОЕВА, Жиззах вилояти прокурори катта ёрдамчиси**

ри Лола шу ердаги мактабга бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди.

Бувисора онанинг тўнғич қуёви Каттахўжа йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, беш йил озодликдан маҳрум этилганди. Унинг турмуш ўртоғи Назира касалликка чалиниб вафот этган, ундан қолган икки норасида — Даврон ва Шухрат бувиларга қўлида тарбия топмоқда эди. Каттахўжа озодликка чиққач, Лола билан танишиб қолади ва "болаларимга оналик қилар" деган ўй билан унга уйланади.

Лола аввал ҳам турмуш қурган, бироқ орада фарзанд бўлмагани баҳонасида эридан ажрашиб кетганди. Каттахўжа билан яшай бошлагач, бирин-кетин икки ўғил туғиб берди. Бу орада Каттахўжа биринчи хотинидан бўлган болаларини ҳам қайнонасиникидан ўз уйига олиб келди, лекин кўп ўтмай Шухрат "бувим билан тураман", деб хархаша қилвергач, унинг айтганини қилишга мажбур бўлди. Тўнғичи Даврон эса отаси ва ўғай онаси билан яшаб қолаверди.

Бу вақтда Даврон эндигина олти ёшга кирган, ҳали эсини танимаган уйинқароқ бола эди. Унинг шўхликлари Лолага ёкмади. Отаси йўқлигида, кейинчалик хатто отасининг кўз олдида ҳам Давронни бўлар-бўлмасга қойир, уришар, турткиларди. Бир кун нима ҳам бўлди-ю, Давроннинг гугурт

уни отаси ва ўғай онаси қўлига топширай?! Шу тарика бир неча йил ўтди. Даврон бувиши қўлида яшаса ҳам отасини қумсар, у билан бирга тургиси келарди. 8-синфда ўқиб юрган пайтларда Каттахўжа Давронни ўз уйига олиб кетди. Шундай қилмаганда, эҳтимол рўй берадиган фожeanинг олди олинган бўлармиди...

Бўйи чўзилиб, унча-мунча уй юмушларини бажаришга қодир бўлиб қолган Даврон тиним нима-лигини билмасди. Ўғай онаси жаврамасин деб мактабдан қайтган заҳотиёқ мол-ҳолга қарар, ҳовли супирар, укаларини овутиб юрарди. Лекин барибир Лола жаҳл отидан тушмас, қайтанга Давронга кўзи тушибок, душманга муомала қилгандек муносабатда бўларди, уни бўлар-бўлмасга айблаверар, ҳеч тинч қўймасди. Баъзан уни хатто уйдан қувиб чиқарар, "сен ўлмадиғи, мен қутулмадим" қабилидаги сўзлар билан қаргарди. Сўнгги бир ярим йил ичида Даврон шундай азоблар чекдики, сизу бизнинг тушимизга ҳам кирмайди, азиз ўқувчим!

— Давроннинг қийналганини қўпчилик биларди,— дейди унинг ўртоғи Хусан Исмоилов. — Бир кунни уйга қайтаётсам, эшигимиз олдида Даврон совуқдан дирдиронни бўлар-бўлмасга қойир, уришар, турткиларди. Бир кун нима ҳам бўлди-ю, Давроннинг гугурт

# ЎҒАЙ ОНА»

**ИККИНЧИ ҲИКОЯ**

Ўғай она. Бу сўзни эшитганимизда болаликдан таниш бўлган "Зумрад ва Қиммат" эртаги кўз олдимизга келади. Лекин ҳамма ўғай оналар ҳам жоҳил, меҳрсиз бўлади, десак нотўғри бўлади. Улар орасида меҳрибон ва болажонлари ҳам кўп. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, айрим ўғай оналар барибир ўғайлигини қилишар экан.

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги "Мустақиллик" ҳўжалигида яшовчи Лола Саъдуллаева ҳақида гап кетгудек бўлса, қўни-қўшилар, хатто ўзи ишлайдиган мактаб жамоаси ҳам "Лоланинг лабида патир пишади", деган иборани кўп ишлатишади.

Эндигина 34 баҳорни қаршилаган Лола не-не кунларни бошидан кечирмади дейсиз! Тўғри тарбия топмаганиданми ёки табиати шунақа бўлганиданми, ёшлигиданок эл-юрт орасида беобрў була бошлади. 1990 йилнинг ўрталарида у Бувисора Муҳаммадиева деган кекса бир аёлнинг уйига келиб, опаси Мақсуда уйдан қувиб юборганини, бировларнинг хизматини қилиб кун кураётганлигини айтди.

— Мени асраб олинг, чўрингиз бўлай, онажон! — дея худонинг зорини қилди. Кампир Лолани уйда олиб қолди. Уни ишга жойлаштириш учун кўп елиб-югурди. Таниш-билишларига илтимос қилиб, холи-жонига қўймади. Охи-

йўнаб ўтирганини кўриб қолди. Шунда Лола кимдандир эшитган ваҳшиёна усулни қўлади — консерва қутиси қопқоғини оловода қиздириб, олти яшар гўдақнинг билгагига босди. Эмишки, бу усул болани олов билан уйнамасликка олиб келади. Эҳтиёт шарт-да!

Ўғай онасининг қилмишидан, безиллаб қолган Даврон уйда камроқ кўринишга, дадаси келгунича кўчада юришга ҳаракат қиларди. Ўн ёшдан ошганида у сарик касалига чалиниб қолди. Каттахўжа кун бўйи иш билан банд бўлар, Лоланинг эса касал боқишга асло ҳўши йўқ, шунинг учун иситмалаб ётган Давронни Бувисора онанинг иккинчи қизи — Қариманига олиб бориб ташлади. Қарима опасидан қолган зурриёдининг тезроқ соғайиши кетиши учун кўп машаққатлар чекди. Даврон соғайгач эса уни Бувисора она қўлига топширди.

— Шу-шу набирам мен билан яшай бошлади, — деб эслайди Бувисора она. — Ўзининг айтишига қараганда ўғай онаси унга кўп азоб берар, на бирон қийим-кечак, на бошқа нарса олиб бермас экан. Ҳатто нонни эшириб қўйиб, болани оч қолдириб қийнаркан. Шундай бўлгач, мен қандай қилиб

қуни у бизникида ётиб қолди. Эрталаб мактабга бирга кетдик. Мен унга ўзимнинг курткамни кийдирдим. Бошқа бир сафар Даврон: "Биз етимларнинг ҳеч кимга керагимиз йўқ экан, ўзимни сувга ташлаб ўлдираман" деб қолди. Қарасам, ҳақиқатан ҳам анҳорга қараб кетаяпти. Уни зўрга йўлдан қайтариб қолдим.


Оилавий гап-сўзлардан хабардор бўлганлар Лолани тартибга қақриришга, ёш бола билан муносабатини яхшилашга ундаб кўришди. Лекин аёлнинг "лабида пишган патир" уларнинг ҳам оғзини куйдирди. "Сенга гапиргандан кўра деворга гапирганим яхши экан", деб қўл силтаб чиқиб кетганлар кўп бўлди. "Яна ўқитувчи эмиш, хайф сенга ўқитувчилик!", қабилидаги гап-сўзлар Лоланинг орқасидан айтиларди, холос.

Даврон эса... Даврон азобларга дош беролмади. Шу йилнинг январидега ўз жонига қасд қилди.

Дўзах азобини бўйнига олганлар бор, дейишади. Лола энди қонун олдида жавоб беради.

**Омон худойқолов, Зафаробод туман прокурори, Адлия маслаҳатчиси**

**«НАМУНА — СЕРВИС»** илмий ишлаб чиқариш корхонаси



**Ҳашоратларга, кемирувчиларга ва патоген микробларга қарши курашишда ўз хизматини таклиф этади.**

**Манзил: Тошкент ш., Мавлонов кўчаси, 37.**  
**Тел: 54 - 90 - 51, 180 - 65 - 15**

**МУЛОҲАЗА**

Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилиш, киндик қонимиз тўкилган шу муқаддас заминнинг ҳар қарич ерини кўзларга тўтиб айлаш, ёрқин келажак сари дадил одимлаётган юртимизнинг равнақи учун беминнат хизмат қилиш ҳақида кўп гапираямиз. Айниқса, мамлакатнинг эртанги кунни бўлиши ёшларимиз ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб улғайишига эътибор қаратаймиз. Уларни ўзининг қутлуг ўн йиллик тўйини қаршилаётган Истиклолимизни янада мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган хайрли ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга сафарбар этаямиз.

# КИМ КЎПРОҚ ЖАБРЛАНДИ?

Бу йўсиндаги тарғибот-ташвиқот ишлари юртимиз ҳимоясида турган ҳарбий хизматчилар орасида ҳам юқсак савияда олиб борилмоқда. Ҳарбий жамоалардаги мутасадди офицерлар билан ўзгариш алоқада таълим-тарбияга доир турли тадбирларни ўтказиётган ҳарбий прокуратура ходимлари зобитлар ва оддий аскарларнинг ҳуқуқий билим даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бироқ, минг афсуски ўз манфаатини ҳар қандай бурчдан ҳам юқори қўйиб, турли ҳуқуқбузарликларга қўл ураётганлар онда-сонда бўлса-да учраб турибди. Уларнинг аксарияти ҳатто хизмат доирасидаги ўта масъулиятли вазифаларини ҳам унутиб, ўз қабиҳ ниятларини амалга оширмоқдалар. Айрим-айримларга эса ҳар қандай тарбиявий саъй-ҳаракатлар қор қилмаслиги маълум бир жиноятни содир этиб, қора курсига ўтирган чоғларида намоён бўлаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Маълумки, латофат, назокат, мушфиқлик хотин-қизларга хос фазилат ҳисобланади. Эраклар одатда кўпроқ куч-қувват, матонат, ғамхўрлик рамзи сифатида таърифланади. Оилада номомакўл ўғил улғая бошлабдики, у хоҳ ботчада бўлсин, хоҳ мактабда бўлсин, ҳамisha жанжални ўзи билан эргаштириб юради, безорилик қилиб ота-онаси бошини эгиб қўяди. Бундайларнинг номомакўл феъл-атвори айниқса ҳарбий хизмат даврида яққол намоён бўлади.

Яқинда Чирчиқ ҳарбий суди томонидан шартнома бўйича ҳарбий хизматга қақирилган собиқ сержант Алишер Аҳмедовнинг жиноий иши қўриб чиқилди. Суд ҳукмига биноан у Жиноят Кодексининг 301-моддаси, 2-қисми билан айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони

умумий тартибли колонияда ўтайдиган бўлди. Шунинг билан бирга А.Аҳмедовдан давлат фойдасига 117300 сўм пул ундирилиши белгиланди.

Гап шундаки, хизмат бурчини ўтаётган самарқандлик сержант Алишер Аҳмедов ўз қўл остидаги оддий аскар Абдурауф Юсуповга нисбатан қонунга зид хатти-ҳаракатларни содир этди. Навбатчиликка тайинланган Аҳмедов оддий аскар Юсуповга наряд вакилларида нав-батчиликни талаб даражасида қабул қилишни буоради. Юсупов бу кўрсатмани бажара олмаслигини, чунки илк бора бундай топшириқ олаётганини айтганда, сержант Аҳмедов ўдағайлаб, кутилмаганда унинг юзига бир шапаққон туширади. Бу ҳам камлик қилгандек, Юсуповга қарата стол устида турган алюминий парчасини улоқтиради. Қаттиқ жисм А.Юсуповнинг кўзига тегиб, жабрланувчи анча вақт мотамизда Марказий ҳарбий клиник госпиталида шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари ва кўрсатилган малакали тиббий ёрдам туфайли малҳам топади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган навбатдаги ҳолатда ҳам ҳарбий хизматчининг айнан ўзини тутта билмаслиги ва манманлиги оқибатда юзага келган янчи ҳол кузатилади. Алоқа бўлинимаси командир хоразмлик оддий аскар Мурод Аллаберганов ювиниш хонасида турган оддий аскар Қаҳрамон Бердиевнинг кўрғагага бир мушт туширади. Кутилмаган зарбдан Бердиев боши билан деворга урилиб полга йиқилади. Жабрланувчи зудлик билан госпиталга ётқизирилиб, унга малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Чирчиқ ҳарбий судининг ҳукмига биноан собиқ оддий аскар М.Аллаберганов ҳам Жиноят Кодексининг 301-моддаси 2-қисми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, тайинланган

жазони умумий тартибли колонияда ўташи белгиланади. Етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Қ.Бердиевнинг Марказий ҳарбий клиник госпиталида ётиб даволанган кунлари учун Аллабергановдан давлат фойдасига 380088 сўм ундирилиши қайд этилди.

Минг афсуски, уларнинг иккови ҳам қўлига эрк бериши оқибатида ўз ёшлик даврларининг энг ёрқин, гуркираган давлари жазони ижро этиш муассасаларида ўтказишга мажбур бўлдилар.

Шу ерда бир савол туғилади: бундан кимга кўпроқ жабр етди?

Улар зўравонликлари билан нимага эришди? Модомики юқоридики таъкидлаганимиздек, ўртача тан жароҳати олишган жабрланувчилар тез орада соғайиб кетишди. Айбдорлар эса ўз оила аъзоларига нафақат маънавий, балки катта миқдорда моддий зарар ҳам етказдилар. Дейлик, маблағ ҳам топилаар. Аммо улар баҳор мисол яшнаган ёшлик даврининг бетакрор давларида ўз шаънларига туширган қора доғларни ўчира олиш шармикин? Уларнинг юрт олдидаги ўз йигитлик бурчларини муносиб ўташларига умид боғлаган оила аъзолари, ёру биродарлари, кадрдонлари юзига қайси кўз билан қарашар экан?

Дарвоқе, мақолани ёшлар ўртасида таълим-тарбия ва уларнинг ҳуқуқий билимлари савиясини ошириш масаласига оид фикрлар билан бошлаганимиз бежизга эмас. Зеро, ҳарбий прокуратура ходимлари жойлардаги қўмондонлар ҳамда тарбиячи зобитлар билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар орасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини изчиқ ўрганиб, уларнинг олдини олишга оид профилактика тадбирларини янада жонлантираверадилар. Токи бегоён юртимизнинг ердаги ва самоддаги сарҳадларини муносиб қўриқлаётган фидойи Ватан ҳимоячиларимиз шаънига улар орасидаги айрим қонунбузарлар сабаб доғ тушмасин. Мамлакатимиз ҳимоясини муқаддас билиб, унинг мудофааси учун ҳатто ўз жонини қурбон қилишга тайёр азамат ҳарбийларимиз ҳамisha эзгу ниятли халқимиз ардоғида бўлишим.

**Б. ҲАСАНОВ**  
Ўзбекистон Республикаси  
ҳарбий прокуратурасининг  
бўлим прокурори,  
адлия капитани

**ПРОКУРОР СЎЗ СЎРАЙДИ**

Юрт келажиги бугун вояга етайтган авлод маънавияти, савияси, камолига боғлиқ. Бугун баркамол авлоднинг тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганиги бежиз эмас. Шундагина Ватан тараққий этади, келажикда кутган умидларимиз рўёбга чиқади.

Бироқ амалиёт шунки кўрсатадики, кейинги йилларда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий тарғиботнинг биров сўсайтанлиги сезилган эди. Натияжада ҳали балоғат оstonасига қадам қўйиб улгурмаган ўсмирлар орасида жиноят қўчасига кириб қолаётганлар нисбати ортди.

Оқибатда зарурий чора сифатида жой-

лари, 6 таси ҳунар-техника билим юрлари ўқувчилари, энг кўп миқдор - 39 таси эса ишламасдан ва ўқимасдан юрган ўсмирлар ҳисобига тўри келади. Бу рақамларнинг ўзбек ҳар биримизни ҳушёрликка қақиради ва ҳали бу борада кўп ишлар қилиш заруригини англайди.

Савол туғилади, ҳукуматимиз томонидан ёшлар тарбиясига катта эътибор берилмаётган бугунги кунда айрим ўсмирларнинг жиноят қўчасига қираётганига нима сабаб бўлмоқда?

Юқоридики инсонга, айниқса ҳали онги етарли даражада шаклланиб улгурмаган ўсирилларга ташқи муҳитнинг таъсири

## ТАРБИЯ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ



ларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти ва тарғибларнинг ислох қилиниши ушбу йўналишда амалга ошириладики ишларда кескин бурилиш ясалтидан дарақ беради.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз, маълумки, болалар тарбиясида, ҳулқ-атвор ва дунёқараш шаклланишида унинг атрофидаги муҳит катта роль ўйнайди. Бола табиати муҳитга мослашуван бўлади. У атрофидаги воқеликлар, одамлар таъсирида вояга этади. Шундай экан, аввало улар тарбия топаётган муҳитга, тарбия масканлари ва мураббийлар савиясига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлади.

Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманида юртимизнинг барча туманларидаги каби аҳолининг катта қисмини 14-18 ёшдаги ўсмир ёшлар ташкил этади. 28 миңдан зиёдини ташкил этувчи бу ёшлар ҳам албатта эртанги кунимиз бунёдкорлари сафини тўлдирадилар. Умуман, қадим Бухоро ўзининг зуқко ва иқтидорли ёшлари билан шурқат қозонган, дунёга машҳур алломпалар бешиги ҳисобланган. Бугун ана шундай бобоқалонларимиз авлодлари — Бухоро ёшлари ўз иқтидорлари билан юртимиз обрўсига обрў қўшмоқда.

Аммо... Истамизимиз, йўқми, туманимиздаги вояга етмаганлар орасида қонунбузарлик ҳолатларини содир этиб, юрт шаънига номуносиб иш тутайтганлар ҳам учраб туради.

Ўтган йилда турли хил ҳуқуқбузарликлар содир қилган 530 нафар ўсмир ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар бўйича ишлаш нозирлигига келтирилган. Улардан 79 нафари профилактик ҳисобга олинган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг аксариятини ўғирлик жинояти ташкил қилади. Содир этилган жиноятдан 7 таси ўрта мактаб ўқувчи-

ҳақида гапирган эдик. Бу билан ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар бир ўсмир носоглом муҳитга тушиб қолган, димоқчи эмасми. Муҳими, уларни салбий таъсирлардан сақлаб қилиш. Ёшларни мактаб парта-сиданқо ҳуқуқий маданиятга тайёрлаш, янани уларда қонунларга, ҳурмат, ҳалоллик ва олийжанатлик қўчмақаларини шакллантириб бориш зарур. Бунда масъулият манориф ва таълим-тарбия соҳаси ходимларига, шу билан бирга жамиятнинг ҳар бир аъзосига тушади. Тарбия улкан масъулият, озгина эътиборсизлик эртанги ўзининг аччиқ меваларини бериши мумкин.

Туман прокуратураси томонидан ҳудуддаги болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари, академик лицей, коллеж ва касб-ҳунар билим юрларида текшириш ўтказилди. Бунда болаларга берилмаётган таълим тарбия савияси, бюджет маблағларининг қонуний сарфланиши масалаларига асосий эътибор қаратилди. Текширишларда аксарият муассасаларда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Бундай қонунбузарликлар асосан бюджет маблағларини ўзлаштириш, моддий жавобгар шахслар томонидан йўл қўйилган камомадлар, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонун талабларини бузилиши каби кўринишларда содир этилган.

Соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол авлод орзусида яшайтган пайтимизда, улар ҳаққига кўз олайтириш, соғлиғи ва тарбиясига бефарқлик, албатта кечириб бўлмас жиноятдир. Прокуратура томонидан қонунбузарларга тегишли таъсир чоралари қўрилди.

**И. ЁРМУҲАММЕДОВ,**  
Бухоро шаҳри Тўқимачилик  
туман прокурори,  
**Б. САИДОВ,** «Ҳуқуқ» мухбири

## БАРКАМОЛ АВЛОД ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Ўсиб келаятган авлод ҳақида қайғуриш энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги қиёфасини белгиллаш бугун камол топаётган ёшлар қўлида экан, бунга бефарқ қараб бўлмайдми.

Шу сабабдан ҳам Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий, онгини ўстириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда ҳар хил норасмий диний оқимлар тарқибига кириб қолиш ҳолларининг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2001-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар Дастури ишлаб

чиқилди.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг бош омили - уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилмасликдир. Маълумки, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ёки жамоат ишларига жалб этиш мақсадида ҳукумат томонидан муайян миқдорда маблағлар ажратилган. Бироқ мақсадли маблағлар сарфлаш бўйича комиссияларнинг фаолиятини қоникорлик деб бўлмайдми. Чунончи, Тошкент шаҳри бўйича бўш иш ўринларининг сони 2001 йил 1 январгача 11154 та эди. Шунга қарамаздан, ишга жойлаштирилмаган вояга етма-

ганлар сони 578 тани ташкил қилади. Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаларининг инспекторлари ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганларни ишга жойлаштириш масалаларини назоратсиз қолдирган.

Вояга етмаганларни ўқитиш ва қайта ўқитишга ажратилган маблағлар Шайхонтоҳур туманидан ташқари, пойтахтнинг барча туманларида белгиланган тартибда сарфланмаган. Масаланинг ачинарли томони шуки, вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, камол топиши йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг белгиланган тартибда олиб бо-

рилмаётганлиги туфайли улар томонидан ўз жонига қасд қилиш, ахлоқсизлик ҳолатларининг содир этилиши кузатилапти.

Аниқланган ғайриқонуний ҳолатлар юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралар қўрилди. Бироқ, қонун ижросини таъминлашдан қўзланган мақсад кимгадир жазо белгиллаш эмас, балки эртанги кунимизнинг эгаларини шу юрт, шу миллат равнақи йўлида меҳнат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялаш эканлигини барчамиз англаб етишимиз керак.

Дастур беш йил муддатга мўлжалланганлигининг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, маз-

кур ҳужжат ниҳоятда кенг қамровли, хилма-хил тадбирларни ўзида муқассамлаштирган. Иккинчидан эса, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш бугун ёки эртаннинг вазифаси бўлиб қолмасдан, бу доимий давом этадиган жараёнлиги, тадбирларни босқичма-босқич, узвий тарзда амалга ошириш лозимлиги акс эттирилган.

Вояга етмаганлар билан ишлашда қўлимизда муқаммал дастур бор. Бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи комиссия ишлаб турибди. Гап энди белгиланган вазифаларни амалга оширишда, масъулиятни ҳис этишда қолди.

**Улугбек ЖАЛОЛОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим бошлиғи.

**ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИДА**

Аёл ортига қарай-қарай кетди. Кийимлари туғилган тугунча бағрига босганча ортидан термулиб қолган ўғилчасининг нигоҳи ёлқарини кўйдиргандек бўлди. Қўзларида ёш халқаланди. Бугунги нимадир тилиб ўтди. Бир кўнгли ортига бурилиб, ўглини даст кўтарганча уйига равона бўлмоқчи ҳам бўлди. Аммо янғасининг кинояли нигоҳи, акасининг қаҳрли башараси кўз олдига келиб, бирдан шаштидан қайтди. "Ушаларнинг турткисидан кўра шу ер афзал унга" дея ўйлади. Телевизордан кўрсатишганда, болалар уйда тарбияланаётган гўдакларга ҳамма шароит яратиб берилган...

Аёл автобусга чиқаркан сўнгги бор ортига қайрилди. Назариди ўғли "мени ташлаб кетманг, аяжон" дея бўзлаётгандек эди. У яна бир даст турса чидаёлмастегини билди, шахд бўлган олдига интилди. Ортида юраги узилиб қолгандек эди гўё. Беихтиёр лаблари пичирлади.

Ўтмишини, уни бадром қилган ўша номардди қаргади.

Билим юртида ўқиб юрган кезлари. Сақизинчи март байрами арафаси эди ўшанда. Уларнинг гуруҳи байрам кечасида саҳна кўриниши намойиш этмоқчи бўлишди. Унга Кумуш родини бажариш топширилди. Ушанда қанчалар қувонганди у. Чунки Кумуш родини бажаришга ҳавасманд қизлар кўп эди-да курсларида. Гуруҳ раҳбарининг шунча қизлар орасидан уни танлагани бошқа қизларнинг аламини келтирди. Курсдошлари чиroyилсан, дейишарди унга. Сочларини майдалаб, атлас кўйлақда саҳнага чиққанда ҳамма унга махлиё бўлиб қолди. Қайрилма киприклари, сўтга чайилгандек оппоқ юзлари худди Қодирий романида тасвирланган Кумушнинг ўгинаси эди.

"Бегим, мен сизни оғзи қон бўри дедим..." У Кумушнинг Отабекка ёзган мактубини ёниб ўқиди. Бегим деганда хали калбининг бегини толмаган бўлса-да, юраклари зир-зир титраб айтди. Ўзини ташлаб кетилган, ҳўрланган ҳис қилганидан кўзларидан дув-дув ёш ку-йилди...

— Сиз ҳақиқий Кумуш экансиз. Илоҳим тақдирингиз ўшамасин. Кеча сўнггида келишгангиза гуруҳ раҳбарининг шивирлаб айтган сўзлари унинг юрагига чўғ солди.

Қизик, шу пайтгача эътибор бермаган экан, бунча чиroyли бўлмас бу домласи. Сўзлари ҳам ширин. Ўзига ярашиб турган мўлаови ҳам худди кинодаги Отабекка ўхшайди. У беихтиёр домласига гамза билан боқди. Шу кундан бошлаб, уларнинг орасида сирли ип боғланди. Домла қизнинг имтиҳонларига ёрдам қилдиган ва дарсдан бўш вақтларида иккаласи шахар айланмайдиган бўлишди. Унинг бахтдан боши қарахт эди. Домласи бундан устамонлик билан фойдаланди. Тақдирингиз Кумушга ўшамасин, деганди у. Лекин тақдирга биринчи бўлиб ўзи чанг солди. Кумуш-ку, бировнинг жуфти халопи, севишли ёри эди. У эса на тўл ва на ёр бўлди. Домласининг сўнгги айтган сўзлари ҳамон кулоқлари остида жаранглайди.

— Севаман, десам ишонаверасанми? Эрак киши кўнгли билан ярайди. Бир кунда у юзтасини севиб қўлиши мумкин. Болани нима қилсанг қил, мен уни болам деб тан олмайман.

Унинг бошидан биров қайноқ сув куйгандек бўлди. Енган юраги бир парча кўмирга айланди. Телбавор қилшолқа кайтди. Бор гапни уйдагиларидан яширмади. Отасининг "Хўп қизим, бир қоқилбсан, энди ўзингни тут. Бугўнги

адашма", дейишини жуда-жуда истиди. Аммо отасининг лабларидан бошқа сўз учди:

— Чиқиб кет уйдан, сендай қизим йўқ. Оқ қилдим! — отасининг қалтираб айтган сўзлари юрагига ўқдек қадалди. Оқ, деб юборди. Паноҳ истаб келган паноҳгоҳига зор-зор термулди.

— Чўрингиз бўлай, — дея ёлворди. Аммо отаси ҳам домласидек қаҳри қаттиқ эди, бир сўзли эди. Ноилоҳ акасининг оstonасига бош эгиб борди. Акаси экан, уйига киритди. Лекин шу-шу қовоғи очилмади. Янғаси эса ошқора пичинг қила бошлади:

— Акангизнинг пешонаси шўр экан, беш боласига қўшиб, ҳароми боқиш ҳам унга қоладиган бўлди.

Ноилоҳ чидади. Болам туғилгач, ҳаммаси ўтиб кетади, деб ўйлади. Лекин баттар бўлди. Энди силтовлар боласининг ҳам елкаси тушадиган бўлди. Жиянларининг ўғилчасини турткилайверishi жон-жонидан ўтиб кетди. Ахий...

**ТАҚАДМР ТОШИ**

ри бош олиб кетди. Ҳаётим изга тушиб кетар, деб ўйлаган эди. Аммо қатта шаҳар унинг хаётини баттар издан чиқарди.

— Яхши қиз, қайққа кетаяпсиз? — Бошим оққан ёққа.

Аёлниг ортидан соядек эргашиб келаётган икки йигит бир-бирига сирли им қоқишди.

— Бошингиз мабодо мана бу ёққа оққани йўқми?

Уларнинг пўримроқ кийингани илжайиб тўнги ресторани томонга ишора қилди. Аёл изтиробда эди. Ҳеч нарса ни ўйламай шартта йигитларга эргашиди. Ичишди. Уйинкули қилишди. Бу оҳангжамалар унинг қоронғу кўнларини бироз ёритгандек бўлди. Аммо эрталаб ўзига келгач, қилиб қўйган ишдан даҳшатга тушди. Олам тор кўринди кўзларига. Минг аёблар қилиб, Яратганнинг олдида пок яшарга олт ичди. Лекин улкан шахарда ризқини топиб ейиш амри-маҳол эди. Сарсон-саргардонлик, муштоқлик уни яна шу қўчаларга бўйлашга мажбур этди.

"Ўзини тиклаб олай, кейин бу пуноҳларни сира қилмайман", дея сўз берди ўзига-ўзи. Аммо ўзини

тиклаб олди-ю, ўзалигни қайта топмади. Бора-бора қилмишларидан жирканмайдиган, яшашдан ор қилмайдиган бўлди. "Нима бўпти, кўпчилик шундай яшашптику", деб қўярди виждони кийналган пайтларда. Ҳар-ҳар замонда ўғли тушига кириб қолгудек бўлса, бир-икки қатра кўзига ёш олиб қўйишини айтмаса, бошқа пайтларда доимо у шод эди. Қўзлари нам билмасди.

— Ўлмас сенинг онанг кимга ўхшайди?

— Ойга, — дейди болакай ўрнида чалқанча ётганча деразадан кўриниб турган ойга тикиларкан.

— Вой, лоқчи, одам ҳам ойга ўхшарканми?!

— Ҳа, менинг онам ўхшайдила.

— Ўзингники-чи? — Енбошидаги қаровотда ётган бола ёстигининг тағидан аллақандай журнални олди-да, авайлабгина унга узатди.

— Мана менинг онам.

— Эй, сен ҳам лоқчи экансан.

қутарди. Онам келса, мени кўрмай қолмасин, дея ёбгининг тағига стулча қўйиб дераза олтидан жилмасди. Аммо бўйи чўзилди, деразаларга сизмай кетди ҳамки, онасидан дарак бўлмади. Сенга шоколад олиб келаман, дея кетган онасини у бора-бора кутмай қўйди. Фақат кўчаларда бола етаклаган аёлларга, дadasига хархаша қилаётган гўдакларга кўзи тушиб қолса, юрагини бир армон тилиб ўтарди. Онасини кутиб "Болалар уйи" дарвозаси олдида дидаираб турган ўша олис куз оқшоми беихтиёр ёдига тушарди.

Бозор дарвозаси олдида турган чўвинди кампирга биров ачинаш билан, биров ирганиш билан нигоҳ ташлаб ўтарди.

— Дада, анов кампирнинг дadasи йўқми? — дadasининг қўлидан туганча чоққилда келаётган болакай ишора қилди.

— Йўқдир-да ўғлим.

— Ўғли-чи?

— Бўлса, шундай ўтирармиди?

— Ўлмас, сен шу ерда бир пас туриб тур. Мен ҳозир келаман.

— Менга шоколад олиб келасизми?

— Ҳа, ҳа, ҳов онам ердан олиб келаман.

Ўлмас онаси кўрсатган томонга қаради. Бола эмасми, ишонди. У онаси алдаётганини, уни ташлаб "борса-келмас"га мангу кетаётганини билмасди.

Бозордан чиқиб келаётган уларнинг ийғит уларнинг олдида келди.

— Ҳа, Ўлмас ака, нима бўлди?

— Эй, анови

телба хотин ўғлимни кўрқитиб юборди.

— Ёш болани ёлғиз қўйманг-да.

— Шунга айтинг, кўрмай қолибман.

Йигит улардан узоклашди.

— Дадажон, бу ердан тезроқ кетайлик.

— Ҳа, ҳа, ўғлим, кетамиз, бу ердан кетамиз. Негадир ўзимнинг ҳам кўнглим бузилди кетаяпти.

Ота-бола бозор дарвозаси олтидан анча узоклашиб кетишди.

Бу ҳодисани эрак шунчаки телбалик, дея баҳолади ва ўғлини бағрига босганча яна турмуш юмушлари сари олтидан юриб кетди. Уларнинг ортидан музтар термулиб қолган аёл эса қаддини кўтариб "тўхта, ўғлим, мен онангман" дея олмади. Зеро, унинг қаддини тақдирнинг аччиқ тоши букиб қўйганди.

Гулрух ЁРМАТОВА,  
Шахрисабз

**АФСУС!****ЎЗИГА ЎЗИ «СОЛИҚ» УНДИРГАН СОЛИҚЧИ**

Рустам Шоназаров оддий оилада ўсди. Урта мактабдан сўнг олий ўқув юртини тамомлади ва иктисодчи бўлиб етишди. У 1997 йилнинг мартида Собир Раҳимов тумани солиқ инспекциясига ишга қабул қилинди. Эл қатори ишга ўз вақтида келди, кетди. Билмаганини ҳаммасибларидан ўрганди. Буюрилган вазифаларни аъло даражада бажаришга ҳаракат қилди. Шу орада, аниқроғи ўтган йилнинг мартида ўшбу туман солиқ инспекциясида туманда фаолият кўрсатаётган қорхоналарни тугатиш ишларини кўриб чиқувчи махсус гуруҳ тuzилди. Рустам ҳам идоранинг ишончли ходимларидан бири сифатида ўшбу гуруҳга киритилди-ю, ўша кундан бошлаб унинг ором бузилди. Рустам ўшбу гуруҳга мўмайгина даромад то-

пиш манбаи сифатида қаради. Туманда минглаб қорхоналар бор. Уларнинг ўзларига яраша солиқ тўловларидан қарзлари бўлиши мумкин. Фақат ҳужжатларни текшириб, "у ёқ-бу ёғни тўғрилаб" каттагина пул топиш мумкинлигига ишонди. Тез орада шундай ҳам бўлди. У "Нафрук" хусусий фирмаси ҳужжатларини тиклаб, бандидаги маълумотлар билан фирманing солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларини таққослаб чиқди. Излай-излай "Нафрук"нинг давлат солиқ тўловларидан 2 млн. сўмдан ортиқ қарзи борлигини аниқлади. Фирма раҳбари А.Қоziхоновни идорага чақириб, бундай қорунбўзарлик билан фирманing ёпиб юбориши мумкинлиги, агар бу ишлар "ёпти-ёпти" бўлишини хоҳласа 3 мўн АҚШ долла-

ри олиб келишини ўқтирди. Ақс холда тўплаган ҳужжатлар прокуратурага топширилиши, жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилиши мумкинлигига ургў берди.

Шунча маблағни қардан топишни билмай ҳайрон бўлган А.Қоziхонов ўз яқинларига ишониб, Рустамдан ҳеч бўлмаганда бир ой муҳлат беришини илтимос қилди. Бунақа пайтда қариндош-уруғлар ҳам жонга оро кирармиди? Беришган муҳлат ҳам тўғаб қолди. Унинг бу ташвишдан қутулишини эндиғи ягона йўли ИИВга бориб, бўлган воқеани айтиб бериш эди. ИИВда тезкор гуруҳ тuzилди ва "олғир солиқчи"ни тумшугидан илтиришга тайёргарлик қилди. 2000 йил май ойининг илк кунларидан бирида фир-

ма раҳбари Рустамга сим-қоқиб, тайинланган пулни топангани ва машина бузилди қолганини айтиб, уни бошқа жойга тақлиф қилди. Рустам пул дарагини эшитди-ю, А.Қоziхонов айтган жойга "от солиди". Ҳар эҳтимомга қарши уқасини ёнига олиб, "Россия" меҳмонхонаси ёнига келди. У шу ернинг ўзида махсус тезкор гуруҳ хизматчилари томонидан жиноят устида қўлга олинди. Рустам қўлга олиниш пайтида тезкор гуруҳ хизматчиларига жисмоний қаршиллик кўрсатди. Бирок энди кеч эди.

Экспертиза хулосаларига қўра, Р.Шоназаровнинг кийим ва қўлидан махсус ишлов берилган пул излари топилиди ва айби тўлиқ тасдиқланди. "Олғир солиқчи"нинг мазкур ноқонуний фаолияти Тошкент шаҳар суди қонунчи яқун ясади.

Р.УМАРОВ,  
Тошкент шаҳар прокурорининг  
катта ёрдамчиси

# ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

## САЙЁРАМИЗ ИСИБ БОРМОҚДА

БМТ бош қотиби Кофи Аннан Жорж Бушнинг иқлимни назорат қилиш масалаларига нисбатан тутаётган позициясини ошқора танқид қилиб чикди. Кофи Аннаннинг фикрича, ер иқлимнинг исиб кетишига қарши кураш дунё иқтисодиётида мувозанатни сақлаб туришининг ягона йўлидир.

Жорж Буш АҚШ энерготизимини ислоҳ қилиш

тўғрисидаги режаларини эълон қилгандан уч кун ўтиб БМТ бош қотиби юқоридаги фикрлар билан чиққан эди.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирда эколог-мутахассислар Оқ уй маъмуриятининг энергия ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳақидаги дастурига танқидий кўз билан қарашмоқда.

## ЙЎҚОЛСИН ҚАШШОҚЛИК

БМТнинг Брюсселдаги навбатдаги конференциясида дунё микросидаги қашшоқликка қарши кураш масаласи кўриб чиқилди. Конференциядан кўзланган мақсад қолоқ мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашнинг ўн йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Статистика маълумотларига қараганда, ҳозирда дунё микросида 600 миллион одам қашшоқликда кун кечиришга маҳжум.

Ўн йиллик дастурга мувофиқ бой мамлакатлар ривожланаётган "учинчи дунё" мамлакатларига доимий ёрдам кўлини қўзиши, мазкур мамлакатларнинг коррупция ботқоқидан чиқиб олишига ва молиявий муҳитнинг ўнглашишига эътибор қаратиши лозим.

Шунингдек, БМТ сайёраимиздаги ривожланган мамлакатларни қолоқ мамлакатларнинг қарзларидан қечтишга ва улар билан савдо муносабатларини ривожлантиришга қақирди.

Душанба куни Македония ҳукумати кўшинлари албан жангарилари билан Куманово шаҳри атрофидаги тўқнашувида жангариларнинг 15 кишилик гуруҳини йўқ қилишга муваффақ бўлишди. Шунингдек ўлжа сифатида ўқ-дорилар ва ҳарбий машиналарни қўлга киритишган. Бу жанг стратегияси македон ҳарбий раҳбарларидан Благон Марковский режаси бўйича амалга оширилди.

Марковский сўзларига қараганда, македон кўшинлари яхши қуролланган жангариларнинг навбатдаги хужумига қарши мудофаа жангини олиб боришган. Жангарилар

ратидида сақлаб туришибди.

Reuters агентлиги мухбири тарқатган хабарларда айтилишича, душанба кунги ҳарбий ҳаракатлар чоғида энг шиддатли жанглар Вакцине ва Слупчане қишлоқларида бўлиб ўтган. Бу қишлоқлардаги жанглarda ҳақиқатан ҳам танклар ва



## МАКЕДОНИЯДА ҲАМОН НОТИНЧЛИК

македон кўшинлари позициясига ёриб киришга улгуришган чоғда, артиллериядан ташқари танклар ва ҳатто МИ-24 ҳарбий вертолётларидан ҳам фойдаланишга тўғри келган.

Бу ҳудудда вазият мураккаблигича қолмоқда, — дейди Марковский, — бу ердаги маҳаллий аҳолини жангарилар жонли қалқон сифатида фойдаланиши учун ўз назо-

ҳарбий вертолётлардан фойдаланилган. Ҳозирча томонлардан берилган қурбонлар сони номаълум.

Шу билан бирга, албан дала командирларидан бирининг телефони орқали маълум қилинишича, жангариларнинг ҳеч бири зарар кўрмаган. Лекин 5 нафар маҳаллий аҳоли македон ҳукумати кўшинларининг ўқиға учиб қурбон бўлган.

## ҚОРАБОҒДА НИМА ГАП?

Мана орадан шунча вақт ўтибди ҳамки Тоғли Қорабоғ фожеалари ўз асоратлари билан тез-тез хотирамизга келиб туради. Худудий можаролар натижасида юзага чиққан миллий-этниқ конфликт минтақада оловли бир нуқта ҳосил қилган эди.

Тоғли Қорабоғ конфликтини назорат қилувчи ташкилот ҳисобланмиш Минск гуруҳи минтақада айни дамда "муаммони тинч йўл билан ҳал этиш кайфияти" юзага келди, деб ҳисобламоқда. Бу ҳақда ОБСЕдаги Россия вакили Николай Грибов маълумот берган.

Минск гуруҳидаги АҚШ вакиллари раҳбари Кэри Кавано ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, расмий Боку билан ҳукуматга муҳолифатда бўлган қучларнинг бу масалага ёндашуви фарқланишини ҳам илова қилиб ўтди.

Гуруҳ расмийларининг минтақа раҳбари Аркадий Гукосян ва Арманистон президенти Роберт Кочарян билан учрашувидан кўзланган мақсад ҳам Қорабоғ муаммосини сиёсий йўллар билан қайта кўриб чиқишдан иборат.

Минск гуруҳи раҳбарлари арман ва озарбайжон кўшинлари кўмондонларини муромага келтиришга муваффақ бўлдилар. Бу тарихий учрашув минтақанин айнан арман ва озарбайжон манфаатлари кесишган чизигида бўлиб ўтди.

"Рейтер" агентлиги тарқатган хабарга кўра Кэри Кавано нутқини сукут билан тинглаган иккала томон ҳарбийлари "уруш хали давом этаётган бўлса-да, биз минтақада тинчлик ҳукмрон бўлиши учун бор имкониятни ишга солишга тайёрмиз", деган тўхтамага келдилар.

Бир сўз билан айтганда, минтақада том маънодаги тинчлик ўрнатилишига умид қилиш мумкин.

Франциянинг Le Monde наشري тарқатган маълумотларига қараганда, француз парламенти президент Жак Ширакка импичмент эълон қилиши хавфи бор. Парламент аъзоларидан бир гуруҳи ҳозирда бунинг учун имзо йиғишга киришиб кетган. Улар Ширакни пора олганликда айблаб, унинг ҳукуматдан

## ЖАК ШИРАК АЙБЛОВНИ РАД ЭТДИ



тезроқ кетишини талаб қилишмоқда. Бу ҳаракатнинг бошида Социалистлар партияси вакили Арно Монтебур турибди.

Президент Жак Ширак ўзига қўйилаётган айбловларни рад этмоқда ва президентлик ваколатидан фойдаланиб, кўрсатма беришдан бўйин товламоқда.

Шуни айтиш керакки, Францияда президент Жак Ширак катта обрўга эга. Унинг сиёсий рақиби Л.Жоспен ҳам бунинг эътирофи экан, Монтебурнинг Ширакка қарши ташвиқотларини вақтни बेкорга сарфлаш дея изоҳлаган.

"ҳовуридан туширишга" ҳаракат қилишмоқда.



Маърузада Исроил армиясини қуролсиз намойишчиларга қарата жанговор қуролларни ишга солмасликка, фаластинликларни эса мусул-

АҚШ матбуотида саккиз ойдан буюн давом этаётган Фаластин-Исроил конфликтларига бағишланган "Митчелл маърузаси" деб номланган дастур чоп этилди.

Унинг муаллифи собиқ сенатор Жорж Митчелл бир неча йилдан буюн минтақадаги реал воқеалар устида татқиқот олиб борган.

Ушбу маъруза Исроил-Фаластин муносабатларига нисбатан

## «МИТЧЕЛЛ МАЪРУЗАСИ»

фаол ёндашган АҚШнинг собиқ маъмурияти буюртмасига асосан тайёрланган эди.

Митчелл ва унинг сафдошлари ўз олдларига ушбу можаролардаги ҳақ ёки ноҳақ томонларни аниқлашни эмас, балки томонларни муромага қақирини мақсад қилиб қўйган. Улар ҳар иккала томонни ҳам музокаралар йўлини танлашга қақириб, вазиятни юмшатишга,

мон жангарилари фаолиятини чеклашга ва яна бир қанча шунга ўхшаш самарасиз қақириклар ўрин олган.

Шунга қарамай, минтақада ҳамон тўқнашувлар ва хунрезликлар давом этмоқда. Вазият шу тахлит давом этар экан, унинг қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин, ҳолос.

## ЦЗЮНЬ ИНТИҲОСИ

Хитойда қуролли босқинчилик ва яширин қурол-яроқ фабрикаси ташкил этганликда айбланаётган йирик жиноий гуруҳ аъзоларидан 29 киши қатл қилинди. Сўнгги ўн йиллар ичида ўзининг шафқатсизликлари билан бутун мамлакатда ном чиқарган бу жиноий гуруҳ Хитойнинг марказий ва шимолӣ провинцияларида фаолият кўрсатган.

Гуруҳ асосан банклар ва заргарлик дўконларида қуролли талончиликлар содир этган. Бу босқинчиликлар тепасида жиноий тўда бошлиғи 34 ёшли Чжон Цзюнь турган. Чжон Цзюнь тўдаси ўн йилдан буюн полицияга чап бериб келмоқда эди. Ана шу муддат ичида бегуноҳ 28 киши мазкур жиноий тўда аъзолари томонидан ўлдирилган.

Банда бошлиғи ўз ўлими билан сўнгги ва тўда учун фожеали қянланган "банк операцияси" ўтказган шаҳарда учрашди.

Қатл маросими эфир орқали бутун мамлакатга тўғридан-тўғри трансляция қилинди.

## Хурматли юртдошлар! ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «Алп Жамол Банк»

Сизлар учун Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ажойиб «ЁЗГИ ТАЪТИЛ» муддатли омонати очилганлигини маълум қилади.

- Омонат муддати - 90 кун (2001 йил 1 июндан 2001 йил 1 сентябрга қадар).
- Омонат бўйича - 60 % йиллик ҳисобида устама ҳақ тўланади.
- Омонатнинг энг кам миқдори - 25000 сўм

Шу билан бир қаторда банкимизда қуйидаги омонат турлари мавжуд.

«Ойла» омонати	Маблағлар йилга 25% даромад тўлаш шарти билан бир йилга қабул қилинади. «Ёзги таътил» омонати 2001 йил 1 июнгача қабул қилинади.
«Набира» омонати	Маблағлар йилга 30% даромад тўлаш шарти билан уч йилга қабул қилинади.
«Ёш авлод» омонати	Маблағлар йилга 33% даромад тўлаш шарти билан беш йилга қабул қилинади.

Мазкур қўйилмаларнинг энг кам миқдори 10000 сўм қилиб белгиланган ХОАТБ «Алп Жамол Банк»да барча қўйилмалар бўйича йиллик фойз тўловлари омонатчиларнинг хоҳишича кўра, биринчи талаби билан хоҳлаган вақтда тўлаб берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мустафо Камол Отатурк кўчаси 21-уй. («Зарафон» ресторани қаршисида)

Мурожаат учун телефонлар: 132-10-87, 132-16-00, 132-16-01

Банкимизнинг эшиклари Сизларга шанба, якшанба кунларидан ташқари ҳар кун соат 9.00дан - 18.00гача очик

Ўзбекистондаги энг ёш, шу билан бир қаторда энг ишончли, юқори даромадли ва барқарор ривожланиб келаётган «Алп Жамол Банк»ни Сизни ҳамкорликка чорлайди ва Сиз муваффақиятга эришинингиз учун ажойиб имкониятларни яратиб беради.

**МАРҲАМАТ, КЕЛИНГ, БИЛИНГ, СИНАБ КЎРИНГ,  
ХИЗМАТИМИЗГА БАҲО БЕРИНГ!**

## ХАБАР

## ЯКШАНБА УЧРАШУВЛАРИ

Мирзабек Холмедовнинг санъати бутун Ўзбекистон халқига манзурлиги бор гап. Санъаткорнинг фавқуллод топқирлиги, юз ифодаларининг тиниқлиги-ю нутқининг равлонлиги унинг муваффақиятлари гарови бўлмоқда. Санъаткорнинг икромича, у қизиқчиликни халқдан

ўрганган. Кулиш ва кулдириш санъатини - табиий айтидор ҳамда одамларни синчков нигоҳ билан кузатиш орқалигина эгаллаш мумкин экан. Шунданми, Мирзабек Холмедов доим халқ орасида, унинг кўп вақти тўй-ҳашамлар, концерт ва албатта,



ижодий сафарларда ўтади. Унинг Хоразмга бу гапга ижодий сафари ҳам самарали ўтмоқда. Жойлардаги учрашувлар, томошабинлар билан мулоқотлар санъаткорга илхом бағишлаш баробарида халқимизнинг кайфиятини кўтармоқда.

Ўтган якшанба кўни Хоразм вилояти прокуратурасида бўлиб ўтган учрашув ҳам йиғилганларда илик таассурот қолдирди. Прокурор-тергов ходимлари ва уларнинг оила аъзолари санъаткорга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Биз Мирзабек Холмедовнинг репертуарини кузатиб, унинг жамиятга ҳамоҳанглигини ан-

гладик. Унинг ижросидаги гиёҳванд, порахўр каби салбий образлар шу каби иллатлар жамиятимизга нақадар зарарли эканини яна бир бор англашимизга туртки бўлади. Уларнинг башараларини биз саҳнада кўриб тасаввурларимиз янада кенгайди. Ва яна бир

бора англадикки, жиноятчиликка қарши курашиш жамиятни соғломлаштиришининг ягона йўлидир. Шунинг таъкидлаш керакки, санъаткорлар билан якшанба учрашувлари Хоразм вилоят прокуратурасида анъана тусини олмақда. Бизнингча, бундай учрашувлар прокурор-тергов ходимлари га самарали иш ҳафтасидан сўнг маданий хордиқ чиқариш имконини беради. Ва албатта, жамиятдаги муаммоларга бошқача назар ташлаш, биз билган ва билмаган иллатларнинг яна бошқа бир жиҳатларини излашга ундайди.

(Ўз муҳбиримиз)

## ТҲҲҲТ

КАСБИДАН БАХТ  
ТОПГАН ИНСОН

Шундай касб эгалари борки, улар халқ дарди билан яшаб, элнинг қувонч-ташвишларига шерик бўлишга интиладилар. Журналистлар ҳам ана шундайлар тоифасига киради.

Норбой Тўрабоев журналистик касбини танлаб хато қилмади. У мана шу соҳада кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келмоқда.

Н.Тўрабоев 1951 йили Амударё туманидаги "Чойкўл" қишлоғида таваллуд топган. Оқдўй деҳқон оиласида туғилиб ўсган Норбойда ёшлигиданоқ адабиётга, журналистикага бўлган қизиқиш кейинчалик унинг ҳаёт мазмунига айланди. Унинг касбга меҳр қўйишида дастлабки устози ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси — Холмурод Отамуродовнинг катта ҳиссаси бор десак, янглимаймиз.

Н.Тўрабоев 1972 йили Тошкент Давлат Университетига ўқишга киради. Университетда ўқиш юрган кезлари ёзушга бўлган иштиёқ уни "Тошкент ҳақиқати" газетаси қошидаги "Ишчи мухбирлар университети"га етаклаб келади.

1982-1987 йиллар "Амударё ҳақиқати" газетасида маъсул котиб, сўнгра "САНИРИ" да бўлим бошлиғи, 1992 йилдан Қоракалпо-

ғистонда ўзбек тилида чиқа бошлаган ягона газета "Аму тонги" да маъсул котиб вазифасида ишлаб, газетани оёққа турғазида, унинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиб чиқишида ўзининг бор билим ва тажрибасини аямади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, ҳуқуқий нашрларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб борди. Шу мақсадда 1996 йилнинг сентябрь ойидан республикамиздаги дастлабки ҳуқуқий нашрлардан бўлган "Адам ҳам Ўйзам" (Инсон ва қонун) газетасига асос солинди. Айни пайтда унинг бир галги нусхаси — 20000 тага етди. Газетанинг моддий-техника базасини яхшилашда, журналист кадрларни танлаб олишда Бош муҳаррир Н.Тўрабоевнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда 50 баҳорни қаршилаган, ўз касби фидойиси Норбой Тўрабоевнинг эртанги кундан умидлари кўп. Устозимизни барча ҳамкасблари катори биз — "Адам ҳам Ўйзам" тахририяти ходимлари ҳам муборак ёши билан чин қалбдан табриклаб, куч-ғайрат, шижоат ва сийҳат-саломатлик тилаймиз.

З.БЕКМУРДОВ,  
журналист

## Қутловлар

Меҳрибон адажонимиз Сотволди Жўраев ва азиз укажонимиз Авазжон Сотволди ўғли!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Сизларга ушбу қутлуғ кунингизда Яратгандан узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилаймиз. Сизлар билан хонадонимиз файзли.

Адажон, ойишонимиз билан қўша қариб, бизларнинг бахтимизни кўриш сизларга насиб этсин.

Фарзандларингиз Дилноза,  
Гулноза ва Азизжон.  
Турмуш ўртоғингиз Гулчехра.

\*\*\*

Азиз дилбандимиз Бахтишўржа ва Мадинахон Абдурахмонхўжа зурриёдлари!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Бегубор ва гўзал болалик фаслингизда чехрангиздан кулгу, танингиздан саломатлик арамасин.

Қўзимизнинг нури, ишонган суянчимиз, қалбимиз қувончи бўлиб юринган. Бахтимизга толеъиниқ порлоқ, бахтимизга тўқис, риқ-насибаниқ тўлиқ бўлсин, деб бувишонингиз

Холида  
МИРСАЛИМОВА  
Тошкент шаҳри

## ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ

Жаҳон футбол юлдузи Роналдонинг яшил майдонларда кўринмай қолганига бир йилдан ошди. Тиззасидаги оғир жароҳат туфайли у расмий ўйинларда майдонга тушмаяпти. Кимнинг эсидан чиққан бўлса ёдига солаимиз: шунгача "Интер"нинг бразилиялик ўйинчиси дунёнинг энг кучли ҳужумчиси саналарди.

## РОНАЛДО:

## «ФУТБОЛНИ ЖУДА СОҒИНДИМ...»

Энди, бор-ўйги 24 ёшга кирган бўлишига қарамай, кимлардир «Роналдонинг юлдузли онлари ўтган асрда қолиб кетди, футболга қайтган тақдирда ҳам илгаригидай муваффақият қозонолмайди», деб ҳисобламоқдалар. Бу билан улар 28 ёшида футбол билан хайрлашган Марко ван Бастеннинг тақдирига ишора қилаётган бўлсалар, ажаб эмас. Жароҳатланган тўпигини даволатиш учун кетма-кет операция столга ётгани билан буюк голланд футболчиси майдонга қайтолмаганди...

Ўнг тиззасидан олган жароҳати туфайли Роналдо 1999 йилнинг ноябрида биринчи бор операция қилинган. Шундан сўнг у ўтган йилнинг апрелидагина майдонга тушди. Ушанда "Лацио" билан "Интер" Италия кубоғи финалида ўйнаётганди. Роналдо алмашувда майдонга чиқди, беш дақиқа ўйнади ва қутилмаганда чалиб йиқитилгандай кулаб тушди. 1997 ва 1998 йилги жаҳоннинг энг яхши футболчисининг оғриқдан афти буришиб кетган сурати дунёдаги минглаб газеталарда босилиб чиқди. Уни Миланга учувчи самолётга олиб кетишгаётган манзарани Италия аҳолиси ТВдан томоша қилди.

Охир-оқибат Роналдонинг тезлик билан Парижга, профессор Жерар Сальяннинг клиникасига жўнатишди. Бу ерда қўйилган ташхис ташвишли эди: ўнг тизза пайларининг узалиши. Операция 3 соатга яқин давом этди, бу вақтда бир неча телеканаллар жараёни то-

га 15-18 млн. доллар.

ЖЧ финалидаги Францияга қарши ўйинини кўриб кимлардир Роналдонинг руҳан ожизликда айбланган эди. ТВ орқали Роналдонинг майдонга қайтиш учун қандай қуйиб-пишаётганини кузатиб бораётган италиялик мухлисларнинг фикри бошқача. Нима бўлганда ҳам бугун уни миллионлаб кишилар маънан қўллаб-қувватлашапти. Бу беҳиз эмас. Негаки, у нафа-



Физу ҳозирча Европада энг кучли. Роналдо майдонга қайтгач бу борада ҳам ўз сўзини айтади...

мошабинларга тўғридан-тўғри кўрсатиб турдилар.

— Тикланиш даври 8 ойча давом этиб, футболчи 2001 йилнинг баҳоридагина майдонга тушиши мумкин, — деди профессор.

Миланга қайтиб, машғулотларга киришган Роналдо ҳаммасини бошидан бошлашга тайёрми?

Ўз сўзларига қараганда у тайёр ва бунга кишининг ишонгиси келади. "Хаммасини қайтадан бошлаш кераклигини билиб турирман. Бироқ ҳамма билган илгариги Роналдо бўлишига ишонаман. Футболни жуда соғинганман. Кейинги йил жаҳон чемпио-натига Франциядан ўтган сафарга мағлубият аламини олишимиз керак. "Интер" да ҳам мени кўпдан бери қуттишапти ва мен унинг ишончини оқлашам зарур".

Унинг "Интер"га илҳақ бўлаётганини тушуниш мумкин. Роналдо клубнинг акционерларидан бири ҳисобланади. Двидент, маош ва рекламадан оладиган пули йили-

қат футболчи, балки инсон сифатида ҳам кўпчиликнинг меҳрини қозонган.

1999 йилда Роналдо буйдоқлар сафини тарк этиб, латифатли Милене Домингушга уйланди. Тўй Рио-де-Жанейрода, Роналдога онаси совға қилган уйда бўлиб ўтди. Бразилия газеталарининг хабарига кўра, тўй Роналдога бор-ўйги 8 минг долларга тушган. Бу қадар камтарлиқни футболчининг ўзи шундай изоҳлаган: "Миллионлаб ватандошларим камбағал-қашшоқликда кун кечираётган пайтда мен битта тўйга миллионлаб пул сарфлашга уялман".

Ўтган йилнинг апрелида футболчининг оиласида чакалоқ туғилиб, уни Роналдо деб аташди. Кичик Роналдо ҳам отасига ўхшаб буюк футболчи бўлиб етишса ажаб эмас. Ахир у бразилиялик...

Хориз матбуоти  
хабарлари асосида  
Ҳасан НИШОНОВ  
тайёрлади.



Таътилга оз қолди...

## ЛАТИФАЛАР

Официантдан энг катта орзуни нима эканлигини сўрашди:  
— Орзуим барча меҳмонлар уйларида овқатланишса-ю, чойчакани телеграф орқали жўнатишса.

Пакананига, бунинг устига озгин йўловчи ёнидаги семиз кишининг йўл ҳақиға у қанча тўлаган бўлса, шунча тўлаганидан ажабланиб, ўзини тутиб туролмади:  
— Йўқолсин тенглик! Йўловчининг вазнига қараб тўлашни жорий этиш керак.

Шунда бошқа биров:  
— Агар шундай тартиб йўлга қўйилса, сен пиеда қолишинг аниқ. Сабаби, сен учун ҳеч қайси автобус тўхтаб ўтирмайди.

Котиба ҳўжайинидан сўраяпти:  
— Азизим, нега хотининг менга

доимо шўбҳа билан қарайди?  
— Чунки қачонлардир у ҳам менга котиба эди.

Ижарачи уй эгасига:  
— Бу қандай беъъманилик? Сизнинг уйингизда яшаётганимга ярим йил бўлди, сиз бўлсангиз ванна йўқлигини бугун айтиб ўтирибис.

Йўловчи меҳмонхонага жойлашган, хизматчилардан бирига тонги соат 5.00 да уйғотишни буурди. Хизматчи эса унга:

— Кечирасиз, жаноб. Назаримда сиз бизнинг сўнги техника ютқуларимиздан беҳабар кўринасиз. Агарда сизни тонгда уйғотишларини истасангиз, мана бу кнопкани босангиз ва биз келиб сизни уйғотамиз.